



# БУГУНГИ КУНДА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЖИНОЯТЛАР ТУРЛАРИ ВА УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШДА ПРОФИЛАКТИКАНИНГ АҲАМИЯТИ

ТОГАЕВ ШАҲЗОД ШЕРЗОД УҒЛИ

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академияси курсанти

E-mail: [Shahzodasal2501@gmail.com](mailto:Shahzodasal2501@gmail.com)

## АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аҳборот технологиялар соҳасида содир этилаётган жиноятлар турлари, уларнинг тавсифи, содир этилиш усуллари ва ушбу жиноятчиликка қарши курашда профилактика инспекторлари томонидан тарғибит ташвиқот ишлари ташкил этиши ва унинг аҳамияти ҳақида мақоламиизда тўлиқроқ маълумот берилади.

**Калит сўзлар:** Киберхавфсизлик, дроп, кибержиноятчилик, майнинг, фишинг, молиявий фирибгарлик, профилактика, тарғибот.

## ВИДЫ ПРЕСТУПЛЕНИЙ, СОВЕРШАЕМЫХ СЕГОДНЯ В ОБЛАСТИ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ, И ЗНАЧИМОСТЬ ПРОФИЛАКТИКИ В БОРЬБЕ С НИМИ

## АННОТАЦИЯ

**Ключевые слова.** Кибербезопасность, дроп, киберпреступность, майнинг, фишинг, финансовое мошенничество, предотвращение, продвижение.

XXI аср аҳборот технологиялар асри бўлиб, аҳборот технологиялари мисли кўрилмаган даражада ривожланди. Ривожланиш билан бир вақтда дунёда барча соҳаларда янгиликлар, ихтиrolар, қулайликлар билан кириб кела бошлади. Инсоннинг жисмоний меҳнати ўрнига иложи бориша техника эгпллаб бормоқда. Бу ривожланиш билан бир вақтда улардаги аҳборот, маълумотлар уларнинг хавфсизлиги химояланиш масаласи хам вужудга кела бошлади. Яъни биз електрон қурилмаларидағи сақланадиган хар қандай куринишдаги маълумотларга учинчи шахсларнинг конунга хилоф равишда аралашуви кузатилди ва бора бу жараёнлар кибержиноятчилик ва уларнинг турлари купайичига олиб келди.

Шу ўринда кибержиноят нима ўзи деган савол тўғилиши мумкин. Ушбу тушунша юзасидан хар хил тарифлар бериб ўтилган бўлиб, улардан баъзиларини танишиб ўтамиш.



- **Кибержиноят** – компьютер ва тармоқнинг биргалиқдаги алоқаси остида содир этилувчи жиноят тури. Компьютер жиноят пайтида мақсадли юналтирилган қурол вазифасини бажарип беради. Кибержиноят кимнингдир хавфсизлиги ва молиявий савиясига заар етказиш мақсадида қилинади. Махфий маълумотлар қонуний тарзда ҳимояланган холатда юз беривчи кибержиноятлар билан боғлик. Кўпгина жиноятлар мавжуд. Халқаро миқёсда хукумат хам, нодавлат себъектлар хам кибержиноятлар, жумладан, жосуслик, молиявий ўғирлик ва бошқа трансчгаравий жиноятлар билан шуғилланади. Халқаро чегараларни кесиб ўтувчи ва камида битта миллий давлатнинг хатти-ҳаракатларини ўз ичига олган кибержиноятлар баъзан киберуруш деб аталади. Уоррен Баффет кибержиноятни<sup>1</sup>, “инсониятнинг биринчи рақамли муаммоси деб таърифлайди” ва “инсоният учун реал хавф тугдиради”<sup>2</sup>, дейа қўшимча қиласиди. 2014 йилда чоп этилган ҳисоботда (Мсафеэ ҳомийлигидан) жаҳон иқтисодиётига етказилган йиллик заар 445 миллиард долларни ташкил қиласиди<sup>3</sup>. Сайберсесуритй Вентурес томонидан 2016 йилги ҳисоботда кибержиноятлар натижасида етказилган глобал заарлар 2021 йилга келиб йилига б тринлон долларгача, 2025 йилга келиб эса 10,5 тринлон долларгача қўтарилиши башорат қилинган эди

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида 2021 йилдан бошлаб ахборот технологиялар соҳасида содир этилаётган дастлабқаи жиноятлар қўзатила бошлади. Тўғри 2021 йилда ахборот технологиялар соҳасида содир этилаётган жиноятлар кам бўлиши мумкин, аммо шиддат билан ривожланиш орқасидан ушбу соҳадаги жиноятлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида содир этилаётган жиноятларнинг умумий ҳисобда 2024 йилга келиб 30-35% фойизини ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборот технологиялар соҳасида содир этилаётган жиноятлар кўп холларда фуқароларнинг соддалигидан фойдаланишмокда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборот технологиялар соҳасида содир этилаётган жиноятлар кўриб чиқадиган бўлсак улар қўйидагилардан иборат:

- иштимоий тармоқларда онлайн иш таклиф қилиш
- Телеграм ижтимоий тармоғида ноткоин олди-сотдиси
- Ижтимоий тармокларда пул купайтириб бериш

<sup>1</sup> <https://www.businessinsider.in/buffett-this-is-the-number-one-problem-with-mankind/articleshow/58555300.cms>

<sup>2</sup> <https://finance.yahoo.com/news/warren-buffett-cyber-attacks-1314450>

<sup>3</sup> <https://www.reuters.com/article/us-cybersecurity-mcafee-csis-idUSKBN0EK0SV20140609>

- “Президентдан ёрдам” сохта хаволалар
- Телеграм ижтимоий тармоғида кредит ботлари
- Ўзини “Клик” ходими деб телефон қиласидиган фирибгарлар
- Телеграм ижтимоий тармоғида “фейк” дастурлар
- Порнографик сайтларда сохта “Жарима”лар
- Ўзини терговчи сифатида кўрсатувчи фирибгарлар.

**Ижтимоий тармоқларда онлайн иш таклиф қилиш** – хозирги кунда ижтимоий тармоқларда онлайн иш таклиф қилишдишлар. Фуқаролар уларга шахсий маълумотлари билан ўзларини аризаларини қолдирадишилар ёки улар билан ижтимоий тармоқларда ўзлари билан гаплашиб ишни таклиф қилишадилар. Бундай ишларга одатда куърерлик вазифаси ёки хисоб рақамдан бошқа хисоб рақамга пул ташлаб бериш ёхуд қандайдир жўнатмани етказиб бериш каби вазифалардан иборат. Ушбу вазифалар бир томондан қонунинийдек кўринади, аммо ушбу жўнатма ёки пул ташлаб бериш ноқонунийлиги хақида уйлаб хам кўришмайди.

**Пул купайтириб бериш** – гуйёки ўзларини тредингчи сифатида кўрсатип, фуқаролардан кам вақт ишида тез бойиб кетишларига ишонтирган холда ўзоарига тегишли хисоб вароқларига ўтказиб берган ваъдаларини бажармайдилар. Улар фуқароларни ишонтириш мақсадида фейк бўлган трединг расмларини кўрсатади. Дастрлаб пул киритиш кўпчилик ҳолларда энг камида 400 – 500 минг сўм пул мабдағи киритишдан бошланади. Улар фуқароларга пул купайган расмларни ташаб, ушбу пулларни ечиб олишга камиссия тўлашини айтиб, яъна пул ташлаб олишади ёки яна давом еттиришини сўрашади. Фуқаролар бир неча бор ушбу холатлар тақорорланганидан сўнг алданганлигини тушиниб етишади.

Ушбу турдаги ахборот технологиялар соҳасида содир этилаётган кибер жиноятларнинг содир этилишининг бир канча сабаблари бўлиб, **биринчидан** фуқароларнинг ишни ижтимоий тармоқларда онлайн осонгина пул топиш, мешақатли ишлардан қошиши, **иккинчидан** фуқароларнинг етарли даражада саводли эмаслиги ва ўзи тушинмаган норасмий сайтларга хам шахсий маълумотлари ва банк пластик карталарини киритиши, **учинчидан** ижтимоий тармоқларда умуман олди сотди ишларида кўрмаган инсонлар билан савдо-сотиқ мешларини олиб бориши, **туртинчидан** “Клик” ходими деб таниширган холатларда фуқароларнинг масалани тулиқ тушинмасдан кодни сўраганда айтишлари, **бешинчидан** телеграмдаги норасмий каналлардан олинган иловаларни шахсий телефон аппаратларига ўрнатишлари, заарланган дастурлар бўлиши мумкинлиги, **олтинчидан** интернет тармоғида тарқалаётган муҳтож ва кам таъминланган ойлаларга пул берилиши юзасидан жойлаштирилган ссилкаларга кириб, фуқароларнинг шахсий маълумотлари ва

банк пластик карталарини киритиши ва шу каби бошқа сабабларни келтириб ўтишимиз мумкин. Ушбу сабабларни бартараф етиш юзасидан бир канча тарғимбот ъашвиқот ишлври олиб борилишига қарамасдан, фуқароларнинг лоқайдлиги сабабли кибержиноятчиларнинг осонгина тузогига тушиб қолмақдалар<sup>4</sup>

Фирибгарлар томонидан ушбу турдаги жиноятларни содир этишда ижтимоий тармоқлар, асосас, “Телеграм”, “Инстаграм” каби тармоқлардан унумли фойдаланишмоқла. Яъни фирибгар жиноятни пухта йуланган режа асосида амалга оширади. Бу жараенда ДРОП карталардан фойдаланишади. Дроп карта – маълум бир қиймат евазига фуқаролардан сотиб олинган банк пластик карталари ва уларга боғланган ракамлар ёхуд уяли алоқа воситасидаги банк дастурларига кириш имкогиги берувчи логин паролларни фирибгарлар томонидан ўзлаштириб олиши тушинилади. Бу жараенда фуқаролар этибор қаратмайдики, ушбу сотиб юбораётган банк пластик карталарида амалга оширилаётган хар бир ҳаракат учун фуқароларнинг ўзлари жавобгарлиги ўнитишади. Масалан, ушбу дроп карта буйича фуқаро номидан кредит расмийлаштирилиб олиниши каби холатлар амалиётда куплаб учрайди. Фирибгарлар юқорида санаб ўтилган усуллардан қайси бирини танламасин, пул маблағларини тўғридан-тўғри ўзларига тегишли банк пластик карталарига ўтқазишмайди. Дроп карталардан фойдаланилган холда “Бинансе” крипто-валюта биржасига киритишадилар. Ушбу жараёнда баржадаги пуллар кейнги одамга олди сотди шартномаси буйича легаллашади.

Бундан ташқари “Инстаграм” ижтимоий тармоғида онлайн иш таклиқ қилиш каби холатларни ўзимизни кундалик хаётда ҳам куп учратиб турамиз. Ушбу жарайнда фуқаролар билан ижтимоий тармоқда туриб фуқароларнинг резуме, шахсига оид хужжатлар ва биометрик паспорти ёки ИД картасини расми билан билан бирга турган пайтдаги расмларни жўнатишни сурашадилар. Биометрик паспорт билан бирга юз расми ҳаммизига маълумки “фейс” регистратсия қилиш имконини беради

Аҳборот технологиялар соҳасида содир этилаётган жиноятларга қарши курашда биринчи навбатда туғри ташкил этилган профилактика самарали усул хисобланади деб уйлийман. Профилактикага тўғридан тўғри ўтишдан олдин профилактика тушунчасига таъриф бериб ўтамиз:

- Профилактика<sup>5</sup> – (юононча сақловчи, олдини олувчи) одамларнинг узоқ умр куриши, ишлаш қобилиятини сақлаб қолиши тушинилади.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси худудида аҳборот технологиялар соҳасида содир этилаётган кибержиноят турлари Латибоев Шахзодбек Икром Ўғли

<sup>5</sup> <https://uz.wikipedia.org/wiki/Profilaktika>

Ахборот технологиялар соҳасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси деганда куйидагиша тушинишимиз мумкин:

- Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси<sup>6</sup>— ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, уларга барҳам бериш, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш мақсадида қўлланиладиган ҳуқуқбузарликлар умумий, маҳсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикасининг ҳуқуқий, ижтимоий, ташкилий ва бошқа чора-тадбирлари тизими тушинилади.

Тошкент шаҳарни мисол қилиб тариқасида оладиган бўлсак, янги пайдо бўлган жиноят хақида профилактика инспекторлари томонидан фуқароларга ўз вақтида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориладиган бўлса, фуқаролар ушбу жиноят турига душ келган пайтида алданиб қолишини ўзи ҳам тушиниб етади. Фақатгина профилактика инспектори томонидан тарғибот ташвиқот ишлари ташкил этилиб қолмасдан, бошқа маъсулиёти шекланган жамиятлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, аксиядорлик жамиятлари ҳам ўз хиссасин и қўшганида ушбу тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам анча самарали бўларди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, хар қандай кўринишда бўлмасин фуқароларда ушбу жиноят хақида озгина бўлса ҳам тушунча булса, кибержиноятчиларнинг тузогига тушиб қолмаёди. Ўз вақтида тўғри ташкил этилган тадбир кўпгина заарли оқибатларнинг олди олиши мумкин.

#### ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. [https://uz.wikipedia.org/wiki/Kiberjinoyat#cite\\_note-books.google.com-16](https://uz.wikipedia.org/wiki/Kiberjinoyat#cite_note-books.google.com-16)
2. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Kiberjinoyat>
3. <https://zenodo.org/record/8044925>
4. <https://cyberleninka.ru/article/n/bank-kartalaridan-foydalanish-bilan-bogliq-firibgarlik-jinoyatlarining-kriminalistik-tavsifi>
5. <https://lex.uz/docs/-5841063>
6. Исақова Мухлиса Фахриддин қизи “Кибержиноятлар”мақоласи <https://cyberleninka.ru/article/n/kiber-jinoyatlar/viewer>
7. “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ахборот технологиялар соҳасида содир этилаётган кибержиноят турлари Латибоев Шахзодбек Икром Ўғли
8. <https://uz.wikipedia.org/wiki/Profilaktika>
9. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 14.05.2014 йилдаги ЎРҚ-371-сон
10. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси -Т 2021

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 14.05.2014 йилдаги ЎРҚ-371-сон

11. Ўзбекистон Республикасининг Ма’мурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, 2021.
12. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ти қонуни.
13. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ти қонуни.
14. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳарактлар стратегияси” тўғрисида”ти 4947-сонли фармони.